

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ОМАНОВ БЕҲРУЗЖОН ШУҲРАТ ЎҒЛИ

**АЦЕТИЛЕНДАН ВИНИЛАЦЕТАТНИНГ КАТАЛИТИК
СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Оманов Бехрузжон Шухрат ўғли

Ацетилендан винилацетатнинг каталитик синтези ва технологияси.....3

Оманов Бехрузжон Шухрат угли

Каталитический синтез и технология винилацетата
из ацетилена.....21

Omanov Bekhruzjon Shukhrat ugli

Catalytic synthesis and technology of vinyl acetate
from acetylene.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ОМАНОВ БЕҲРУЗЖОН ШУҲРАТ ЎҒЛИ

**АЦЕТИЛЕНДАН ВИНИЛАЦЕТАТНИНГ КАТАЛИТИК
СИНТЕЗИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2020.4.PhD/T1527 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-
саҳифасида (www.tktiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич техника фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Махсумов Абдухамид Гофурович кимё фанлари доктори, профессор Бекназаров Хасан Сойибназарович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	«Navoiyazot» АЖ

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги
илмий даражалар берувчи DSc.16/30.12.2019.T.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил
«17» сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, Тошкент тумани,
Ибрат МФЙ п/б Шуробозор. Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail:
gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий-тадқиқот институтининг Ахборот
ресурс марказида танишиш мумкин (№ 10 рақами билан рўйхатга олинган Манзил: 111116,
Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шуробозор Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16,
e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил «21» август кuni тарқатилди.
(2021 йил «21» август даги 10 рақамли реестр баённомаси).



Джалилов А.Т.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф. PhD

Бекназаров Х.С.
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда нефть кимёси ва асосий органик синтез саноатида ишлаб чиқарилаётган кислородли бирикмалар орасида, мураккаб винил эфирлари етакчи ўринни эгаллайди. Улар орасида энг муҳими винилацетат ҳисобланади. Винилацетат пластмасса саноатининг энг муҳим мономеридир бўлиб, у поливинилацетат, поливинил спирт ва поливинилацетатлар ишлаб чиқариш учун хомашё ҳисобланади. Поливинилацетат юқори елимловчи хусусиятга эга бўлган полимер бўлиб, у елимлар, сувда эрувчи латекс бўёқлар ишлаб чиқариш ва матоларни аппретирлашда кенг қўлланилади. Шу билан бирга, поливинилацетат, поливинил спирт тиббиётда, қишлоқ хўжалигида, синтетик каучуклар, сунъий толалар, биологик фаол моддалар, модификацияланган полимер бирикмалар ва бошқа ноёб хусусиятли материаллар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳонда ацетиленни каталитик ацетиллаш реакцияси учун, турли хил усулларда олинган катализаторларнинг фаоллигини ўрганишга қаратилган тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Винилацетат олиш учун нанокатализаторлар яратиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида қуйидаги муаммоларнинг ечимини илмий асослаш: термик барқарорлиги, унумдорлиги ва селективлиги юқори бўлган нанокатализаторлар синтезининг янги энергия ва ресурс тежамкор усуллари ишлаб чиқиш; нанокатализаторларнинг коксланишни камайтириши билан характерланадиган текстур ва физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳамда тузилиши унинг каталитик фаоллигига боғлиқлигини аниқлаш; ацетиленни даврий режимда ишлайдиган катализатор ёрдамида каталитик ацетиллаш реакциясининг кинетик қонуниятларини тадқиқ қилиш, реакциянинг кинетик модели ва бориш механизмларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда саноатнинг турли соҳаларида бўлгани каби ацетилен бирикмалари ва улар асосида полимерлар олиш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида¹ «Саноатни юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш» га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан махсус хоссали фунгицидлар, металлар коррозиясига қарши ингибиторлар, антибиотиклар, стимуляторлар, елимлар ва бўёқлар олиш технологиялари яратилган. Бу эса, маҳаллий хомашё ацетилен асосида винилацетатни каталитик синтез қилиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон «Мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларини зарур маҳсулотлар ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари», 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Илмий-техник адабиётларда ацетилен бирикмалари кимёсини ўрганиш ва олиш технологияларини яратиш, ацетиленни виниллаш реакциялари ва жараённинг технологиялари, винилхлоридлар ва винилацетатни симобли катализаторлар иштирокида олиш, ацетиленни ацетиллаб винилацетат синтез қилишда селектив нанокатализаторлар қўллаш, ацетилендан ва унинг винилэфирларидан янги авлод маҳсулотлар ва полимерларни олиш технологияларини жорий этиш бўйича катта ҳажмдаги маълумотлар мавжуд бўлиб, бу соҳада Б.А.Трофимов, О.Н.Темкин, Р.М.Флид, Lihua Huang, Xueyi Wu, Zhuang Xu, Mingyuan Zhu, Xugen Wang, Bin Dai, Feng Wen Yan, Cun Yue Guo, Y.Y.Lee, H.Yun, Fang Yan, МДҲ олимларидан Л.Б.Фишер, И.Л.Котляревский, А.А.Петров, Б.Гусев, А.В.Шелкунов, Х.Х.Бин, А.Т.Торосян, С.А.Хохрин, Л.Р.Асфандияров, Е.А.Капустин, К.М.Ерманов, Қ.Прашев, Л.В.Снегур, R.I.Tedeschi, S.C.Ammol, N.Yoshikai, E.Nakamura, M.Yoshimatsu, S.Matsuda, L.Ye.Zhang, W.T.Teo, E.Yoon, C.Mercier, P.Chabardes, Y.Nowicki, F.Konzelmann, C.Raminelli, X.Ariza, J.Gareia, X.Coorges, G.Faerber, E.Tyrrel, D.G.Watson, S.Ritter, D.Boyall, T.E.Nielsen, Peijie He, Feng Bo Li, Qing_Li Qian, ва Guo Qing Yuan, Frignani, M.F.Rodrigues, E.J.Corey ва бошқа шу каби олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлар олиб борилган.

Республикада ацетиленни каталитик ацетиллаш ва янги нанокатализаторлар яратишда Ф.К.Қурбонов, Т.С.Сирлибоев, А.Г.Махсумов, Д.Юсупов, К.М.Ахмеров, А.Икромов, Б.Ф.Мухиддинов, И.Абдуғофуров, С.Э.Нурмонов, Н.И.Файзуллаевлар каби олимлар томонидан фундаментал тадқиқотлари билан катта ҳисса қўшганлар.

Адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида шу нарса аниқландики, ацетиленни каталитик ацетиллаш жараёни бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан унумдорлиги, барқарорлиги ва селективлиги

юқори бўлган, турғун, мустаҳкам, арзон ва фаол, коксланишни камайтирадиган катализаторлар етарли даражада ўрганилмаган.

Шу билан бирга каталитик қурилманинг ишчи параметрларини маҳсулотларнинг максимал унуми бўйича мақбуллаштириш, жараёнларнинг технологик параметрларини ва реакторларни моделлаштириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган, чиқиндисиз технологияларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё технология илмий тадқиқот институти, Самарқанд давлат университети ва Навоий давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-А12-46 «Маҳаллий хомашёлар асосида метанни оксиконденсатлаш реакцияси учун катализаторлар яратиш, тадқиқ этиш ва жараённи мақбуллаштириш» (2017-2018 йй), № ИК-2012-5 «Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида этилацетат ишлаб чиқариш технологик тизимини жорий этиш» (2013-2014) амалий ва инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади янги нанокатализатор иштирокида ацетилендан винилацетатни каталитик синтез қилиш ва унинг технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ацетиленни каталитик ацетиллаш реакцияси учун, турли хил усулларда олинган термик барқарорлиги, унумдорлиги ва селективлиги юқори бўлган ҳамда коксланишни камайтириши билан характерланадиган катализаторларнинг фаоллигини ўрганиш;

нанокатализаторларнинг текстур ва физик-кимёвий кўрсаткичларини ўрганиш ҳамда катализаторлар тузилиши унинг каталитик фаоллигига боғлиқлигини аниқлаш;

даврий режимда ишлайдиган катализатор ёрдамида, ацетиленни каталитик ацетиллаш реакциясининг кинетик қонуниятларини тадқиқ қилиш;

танланган катализатор иштирокидаги жараёнларнинг кинетикасини тадқиқ этиш асосида, реакциянинг кинетик модели ва бориш механизмларини аниқлаш;

маҳаллий хомашёлар асосида винилацетат олиш учун нанокатализаторларнинг мақбул таркибини ишлаб чиқиш ва олиш технологиясини таклиф этиш;

олинган нанокатализатор иштирокида ацетилендан винилацетат синтези жараёнининг технологик параметрларини аниқлаш ҳамда олиш технологиясини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ацетилен, сирка кислота, рух ацетат, кадмий ацетат, цирконий оксид, керамзит олинган.

Тадқиқотнинг предмети ацетиленни каталитик ацетиллаш жараёни учун янги нанокатализаторлар ишлаб чиқиш ва олинган нанокатализаторлар-

нинг таркиби, тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ҳамда улар иштирокида винилацетат олиш технологиясини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кимёвий кинетиканинг экспериментал усуллари, ИҚ-спектроскопия, сканирловчи электрон микроскопия, статистик усуллар, элемент таҳлили, рентгенографик ва дериватографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ацетиленни сирка кислотаси билан ацетиллаш жараёни учун қўлланилувчи юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган янги $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит таркибли катализатор “золь-гель” усули ёрдамида яратилган;

ацетиллаш жараёни учун яратилган юқори каталитик фаолликка эга бўлган, янги таркибли нанокатализаторнинг текстура ҳамда физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

янги таркибли катализатор иштирокидаги ацетиллаш жараёнининг кинетикаси асосида реакциянинг кинетик моделлари ва бориш механизми аниқланган ҳамда кинетик моделлар таҳлили асосида мақбул реактор тури танланган;

дифференциал реактор шароитида яратилган нанокатализатор иштирокида, реакциянинг кинетик қонуниятлари ва жараён боришининг мақбул шароити аниқланиб, жараённи ифодалайдиган кинетик тенгламалар танланган ва уларнинг адекватлиги баҳоланган;

ацетиленни каталитик ацетиллаб винилацетат олишнинг такомиллаштирилган ҳамда кам чиқиндилли, энергия ва ресурс тежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор ацетилендан винилацетат синтези унумини оширишга имкон берувчи танлаб таъсир этувчи $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит таркибли нанокатализатор яратилган ҳамда унинг олиниш технологияси ишлаб чиқилган;

биринчи марта ацетиленни ацетиллаш жараёнини амалга ошириш учун эффектив технология ва қурилмалар билан жиҳозлашнинг физик-кимёвий ва термодинамик асослари ҳамда идеал сиқиб чиқарувчи реакторнинг математик модели яратилган;

маҳсулот унуми бўйича реакциялар боришининг мақбул шароитлари аниқланиб, жараённинг энергия ва ресурс тежамкор, кам чиқиндилли технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги синтез қилинган моддаларни таркиби, тузилиши ва хоссалари газ суюқлик хроматографияси, ИҚ ва ПМР-спектроскопия, элемент анализ, рентгенографик ва дериватографик анализ усулларида аниқланганлиги, тадқиқот усулларида ишлатилган асбоб-ускуналарнинг замонавийлиги ҳамда назарий ва экспериментал натижаларнинг ишлаб чиқариш амалиётига мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқорида қайд этилган реакциялар учун янги таркибдаги юқори унумдорлик ва селективликка эга бўлган нанокатализаторлар яратилганлиги, реакцияларнинг бориш механизмлари ҳамда жараёнларнинг такомиллаштирилган технологик схемалари таклиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, кинетик тенгламалар асосида катализаторнинг зич қатламидаги қурилмаларнинг ишчи параметрларини мақбуллаштириш, масса ташишнинг физик-кимёвий моделини экспериментал асослаш, жараёнларнинг турли шароитлардаги унуми, конверсияси ва селективлигини ҳисоблашга имкон берадиган математик модел яратиш ҳамда, янги катализаторлар иштирокида ацетилен асосида винилацетат олиш реакторларини моделлаштириш билан кам чиқиндилли, хомашё ва энергия сарфини тежайдиган технологиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ацетилендан винилацетатнинг каталитик синтези ва технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ацетиленни сирка кислотаси билан ацетиллаш жараёни учун юқори каталитик фаолликка эга бўлган янги таркибли нанокатализаторларни ишлаб чиқиш технологияси «Навоиазот» АЖда амалиётга жорий қилинган («Навоиазот» АЖнинг 2020 йил 26-августдаги 5949-сон маълумотномаси). Натижада, ацетилен ва сирка кислотадан винил ацетат олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш имконини берган;

янги $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит таркибли юқори каталитик фаолликка эга бўлган нанокатализатор «Muborak gazni qayta ishlash zavodi»да амалиётга жорий қилинган («O'zbekneftgaz» АЖ «Muborak gazni qayta ishlash zavodi»нинг 2020 йил 30-августдаги 933/GK-08-сон маълумотномаси). Натижада, $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит таркибли нанокатализаторидан винилацетат синтезида импорт ўрнини босувчи маҳаллий катализатор сифатида қўллаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича 5 та, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокомадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (PhD) асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 5 та хорижий журналларда илмий мақола ҳамда 1 та монография нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Винилацетат ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий-таҳлилий хулосалар чиқарилган ҳамда илмий адабиётлардаги маълумотлардан келиб чиққан ҳолда диссертация ишининг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги белгилаб берилган.

Диссертациянинг «**Тажриба қисми. Тадқиқот объектлари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида ацетиленни катализатор ацетиллаш реакциясининг кинетик қонуниятларини ўрганишнинг тажриба қурилмаси, тажрибани ўтказиш ва реакция маҳсулотларини таҳлил қилиш методикаси ёритилган.

Катализатор синтези бўйича тадқиқотлар берилган. Катализаторнинг характеристикалари физик-кимёвий усулларда ўрганилган, тадқиқот ишида ишлатилган керамзитни фаоллаштириш усуллари келтирилган.

Катализаторнинг текстур характеристикалари ўрганилган. Реакция маҳсулотлари унуми ва таркиби газ-суюқлик хроматографияси усулида аниқлаш методлари келтирилган.

“Золь-гель” технологияси асосида яратилган нанокатализаторнинг текстур характеристикалари 1-жадвалда келтирилган

1-жадвал

$(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит катализаторининг текстур

характеристикалари

Гранула шакли	Зичлиги, г/см³	S_{сол} м²/г	Ғовакнинг умумий ҳажми, см³/г	ZnO:CdO:ZrO₂ миқдорлари, масса % ларда
шар	0,98	51	0,310	6,64:8,35:0,2
шар	0,94	63	0,341	6,64:8,35:0,4
шар	0,88	46	0,253	6,64:8,35:0,6

1-жадвал давоми

шар	0,76	107	0,362	6,64:8,35:0,8
шар	0,72	173	0,409	6,64:8,35:1,0
шар	0,86	57	0,337	6,64:8,35:1,2
шар	0,79	62	0,313	9,96:8,35:0,2
шар	0,87	59	0,329	9,96:8,35:0,4
шар	0,88	70	0,318	9,96:8,35:0,6
шар	0,92	51	0,310	9,96:8,35:0,8
шар	0,85	59	0,271	9,96:8,35:1,0
шар	0,85	51	0,240	9,96:8,35:1,2
шар	0,91	58	0,269	6,64:12.53:1,0
шар	0,95	68	0,320	6,64:8,35:2,0

Диссертациянинг «Тажриба натижалари ва уларнинг муҳокамаси» деб номланган учинчи бобида жараёнларнинг кинетик қонуниятлари ўрганилган ва кинетик моделлар ишлаб чиқилган.

2-жадвал

Ацетиленни каталитик ацетиллаш реакциясида катализатор фаоллигига бошланғич моддаларнинг таъсири
($T=453\text{ K}$, $C_2H_2:CH_3COOH\ 4:1$, $v_{C_2H_2}=280\text{ соат}^{-1}$, промотор: $1.8\% K_2Cr_2O_7$)

№	Катализатор таркиби	CH ₃ COOH нинг конверсияси, %		Селективлик S %
		Умумий	Винилацетатга	
1	ZnO/керамзит	60,0	43,0	71,1
2	ZnO:CdO/керамзит	80,6	73,5	91,2
3	ZnO:ZrO ₂ /керамзит	51,4	38,2	74,3
4	ZnO:CdO:ZrO₂/керамзит	85,4	79,8	93,4
5	ZnO:Cr ₂ O ₃ /керамзит	46,2	30,6	66,2
6	Cr ₂ O ₃ :CdO:ZrO ₂ /керамзит	67,8	49,2	72,5
7	ZnO:Cr ₂ O ₃ :ZrO ₂ /керамзит	72,1	51,9	72,0
8	ZnO:Fe ₂ O ₃ :Cr ₂ O ₃ : /керамзит	70,9	48,0	67,7

Ацетиленни гетероген-каталитик ацетиллаш реакциясида илк бор «Золь-гель» технологиясида тайёрланган d-элементларнинг тузларидан тайёрланган катализаторларнинг каталитик фаоллиги ўрганилган. (2-жадвал).

Реакциянинг танланган оптимал шароитида сирка кислотанинг умумий конверсияси 85,4% ни, винилацетатга нисбатан конверсияси 79,8% ни ташкил этди

2-жадвалдаги № 4 катализатор иштирокида винилацетат унумига, жараённинг селективлигига ҳамда бошланғич моддалар конверсиясига турли омиллар (харорат, ҳажмий тезлик, $C_2H_2:CH_3COOH$ моль нисбатлари, катализаторни тайёрлаш услуби каби) нинг таъсири ўрганилди.

Винилацетатнинг ҳосил бўлиш унумига ҳамда жараённинг селективлигига $C_2H_2:CH_3COOH$ нисбатларининг таъсири ўрганилганда энг оптимал шароит $C_2H_2:CH_3COOH$ нисбати 4:1 эканлиги аниқланди.

3-жадвал

Винилацетат унумига $C_2H_2:CH_3COOH$ нисбатларининг таъсири

($T=180^{\circ}C$, катализатор № 4)

$C_2H_2:CH_3COOH$ моль нисбати	Сирка кислота конверсияси, %		Селективлик, S %
	Умумий	Винилацетатга	
1:3	48,0	18,4	38,3
1:2	63,4	48,5	76,5
1:1	78,8	63,2	80,2
2:1	82,0	70,7	86,2
3:1	83,8	75,4	90,0
4:1	85,4	79,8	93,4
5:1	92,5	72,0	77,8
6:1	96,2	65,4	68,0

3-жадвалдан кўриниб турибдики, реакция аралашмада ацетиленнинг моль миқдори ортиши билан сирка кислотанинг умумий конверсияси ошади.

Бошланғич моддаларнинг моль нисбатлари 4:1 нисбатдан ортганда, кўшимча моддалар (диацетилен, винилацетилен ва бошқалар) ҳосил бўлиши ҳисобига винилацетатнинг ҳосил бўлиш унуми камаяди.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, харорат ортган сари сирка кислотанинг умумий конверсияси ортади. Винилацетатнинг унуми $180^{\circ}C$ гача ортади. Ҳарорат $185^{\circ}C$ дан ошганда винилацетатнинг парчаланиши ва кўшимча моддалар (диацетилен, винилацетилен, сирка альдегид, кротон альдегид ва бошқалар) ҳосил бўлиши туфайли реакция унуми камаяди.


Ацетиленни ацетиллаш реакцияси унумига ҳароратнинг таъсири

(C₂H₂:CH₃COOH=4:1, v_{C₂H₂}=280 соат⁻¹ кат № 4)

Ҳарорат, °C	CH ₃ COOH нинг конверсияси, %		Селективлик S %
	Умумий	Винилацетатга	
150	58,4	40,5	69,3
165	72,5	59,8	82,5
180	85,4	79,8	93,4
195	90,2	78,4	86,9
210	92,8	73,5	79,2
225	94,9	65,4	68,9
240	96,8	55,8	57,6

Шундан сўнг, винилацетат синтези жараёни тезлигига турли омилларнинг (ҳарорат, бошланғич моддалар моль нисбатлари, ҳажмий тезлик, реакция маҳсулотларининг таъсири ва бошқалар) таъсири ўрганилган.

Ҳарорат кўтарилиши тезлигининг катализатор фаоллигига таъсири. Ҳарорат 180°C гача тез кўтарилганда катализатор сиртида смолалар ва полимерлар ҳосил бўлиши камаяди ва катализаторнинг фаоллиги ортади. Олинган натижалар 1-расмда келтирилган.



1 ва 2-винилацетат унумдорлиги; 3 ва 4-реактордаги ҳарорат

1-расм. Катализатор активлигининг ҳароратни кўтариш тезлигига боғлиқлиги

1-расмдан кўриниб турибдики, ҳарорат 180°C гача 30 сутка давомида тез кўтарилганда, ҳарорат секин кўтарилгандагига 12 суткага кўра винилацетатнинг унумдорлиги 2-3 марта, бутун синтез жараёни учун умумий унумдорлик эса 15-20% га ортади.

Катализаторнинг фаоллиги ва катализаторнинг ишлаш муддати ўзак модда (ташувчи) нинг табиатига ва сифатига боғлиқ. Биз синаб кўрган барча ўзак модда (ташувчи) лар (силикагель, алюминий оксид, керамзит, турли марказдаги активланган кўмир) орасида энг фаоли керамзитдир. Шунинг учун ушбу ишда керамзитга юттирилган рух ацетат ва кадмий ацетатдан иборат катализатор иштирокида олинган натижалар баён этилди. Реакторга 100 грамм, баъзи тажрибаларда 150-200 грамм катализатор жойлаштирилди. Катализатор заррачаларининг ўлчами 0,20-0,25 мм.


Диссертациянинг «**Ацетилендан винилацетат ишлаб чиқариш технологияси**» деб номланган тўртинчи бобида ацетиленни каталитик ацетиллаб винилацетат ишлаб чиқариш технологиялари ёритилган.

Технологик схеманинг асосий элементи реактор бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати унинг мукамаллигига боғлиқ.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида буғ фазада $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ керамзит таркибли нанокатализатори иштирокида ацетилендан винилацетат синтезининг такомиллаштирилган технологик схемаси таклиф этилди. Қуйидаги 2-расмда буғ фазада винилацетат ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологик схемаси келтирилган.

Винилацетат синтези узлуксиз усулда псевдоқайновчи катализатор қатламли контакт аппаратда ўтказилади. Ацетилен генератор (6) дан тозалагич (14) орқали буғлатгич (15) га узатилади. Буғлатгич (15)га сирка кислота учун мўлжалланган бак (7) дан 96.0% ли сирка кислота юборилади. Буғлатгичда олинган сирка кислота ва ацетилендан иборат буғ-газли аралашма 150°C гача қиздирилади ва ацетилен ҳамда сирка кислота 4:1 нисбатда реактор (16) га бориб тушади. Реакторнинг материали углеродли пўлатдан ясалган бўлиб, баландлиги 15.5 м, диаметри 3 м. Контакт аппарат - реактор трубкалар системалари бўлиб, унда реакция аралашма тақсимланади. Трубка $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит таркибли катализатор (ҳажми 16 м³, баландлиги 2.3 м.) билан тўлдирилган бўлиб, дифенилли аралашма билан 180-200°C гача қиздирилади.

Винилацетат совутгичларда конденсирланиб (18) ва (19) орқали ўтиб босимли бак (1) га бориб тушади. Реакцияга киришмай қолган 99,9% тозаликдаги ацетилен генератор (6) га юборилади. Винилацетат босимли бак (1) дан ректификацион колонна (ректификацион қурилма 5 колоннали бўлиб 60 тарелкадан иборат ва баландлиги 21.5 м, диаметри 1.8 м) (2) га юборилади. Колоннадан 21° С да енгил учувчан компонентлар ажратилади ва улар дефлегматор (3) дан ўтиб (4) совутгичда конденсирланиб йиғгичга (20) йиғиб олинади.



Тизим: I – сирка кислота; II – ацетилен; III – мой; IV – сув; V – туз эритмаси, -15°C ; VI – тузли сув, -40°C ; VII – винилацетат. 1-винилацетат учун идиш; 2,11-ректификацион колонка, 3,5-дефлегматор; 4,8,10,12,18,19-совутгичлар, 6-ацетилен генератори; 7-сирка кислота; 9-тузли эритма; 13,20-йиғич, 14-тозалагич; 15-буғлатгич; 16-реактор; 17-ловушка; 21-сиғим

2-расм. Буғ фазази усулда ацетилен ва сирка кислотадан винилацетат олишнинг технологик схемаси

Суюқ маҳсулотлар (2) колоннадан ректификацион колонна (11) га юборилади, колоннада ҳарорат 73°C (колонналарнинг юқори қисмида) бўлиб, у ерда винилацетат буғлари (ингибитор сифатида тиодифениламин ишлатилади) ажратиб олинади. Ректификат-товар винилацетат таркибида 0.003% сирка кислота ва 0.06% ацетальдегид бўлади. Таркибида 95-96% сирка кислота бўлган қолдиқ суюқлик сигимга юборилади. Ректификацияга юборилган сирка кислота ҳарорати 115°C , колоннанинг юқори қисмининг ҳарорати 118°C , пастки қисмининг ҳарорати 125°C . Ректификат-96-98% ли сирка кислота винилацетат синтезига қайтарилади. Қолдиқ суюқлик эса қайта ишлашга юборилади. Винилацетат дефлегматор (5) орқали ўтиб, совутгич (12) да конденсирланади ва йиғич (13) да йиғиб олинади. Колонна (11) нинг пастки қисмидан сирка кислота чиқади ва у (21) сиғимга ва сўнгра насос ёрдамида йиғич (7) га йиғиб олинади.

Реакция маҳсулотлари (50-55% винилацетат, 40-45% сирка кислота, 0,2-0,7% ацетальдегид, 0,01-0,03% ацетон, 0,2-0,4% кротон альдегид ва эриган ацетилен) ловушка (17) дан ўтиб кетма-кет уланган совутгичлар (8-10) га юборилади. Совутгич (8) да сув билан совутилади, (9) да эса (NaCl) тузли эритма билан -15°C гача ва (10) да тузли эритма билан -40°C гача совутилади.


Катализатор синтезнинг бир циклида 12 сутка ишлайди. Ҳозирги вақтда саноатда ишлатиладиган катализаторларнинг ишлаш доимийлига 10 суткадан ошмайди.

Ҳарорат 190-200°C га кўтарилганда катализатор чанглари чиқа бошлайди. Катализаторнинг ҳайдалишини камайтириш учун буғ-газли аралашма реакторнинг юқорисидан юборилади. Реактор найсимон қурилма бўлиб, ушбу най катализатор билан тўлдирилади, найлараро бўшлиқларга иссиқлик ташувчи жойлаштирилади (реакция иссиқлигини йўқотиш учун). Битта агрегатнинг винилацетатга нисбатан қуввати йилига 22 минг тоннани ташкил этади.

Иссиқликни қайтариш учун найлараро бўшлиқда буғ олиш билан сувли конденсатни буғлатиш усулини қўллаш ёки зарурий ҳолда иссиқликни йўқотишда суюқ дифенилли аралашмани буғлатиш билан ҳам амалга ошириш мумкин. Дифенилли аралашма иссиқликни алмаштиргичда сувли конденсатни буғлатиш ҳисобига совутади.

Реактор газ реакторнинг пастки қисмидан чиқиб иссиқлик алмаштиргич орқали сувли совутгичга ва кейин тозалашга юборилади. Бу вақтда винилацетат билан бирга оз миқдорда ацетальдегид ҳам ҳосил бўлади.

Ацетилен ва сирка кислотадан винилацетат олиш жараёни $(\text{ZnO})_x \cdot (\text{CdO})_y \cdot (\text{ZrO}_2)_z$ /керамзит катализатори иштирокида амалга ошади. Реакция давомида катализатор фаоллиги камаяди. Бунинг асосий сабаби рух ацетатнинг парчаланиши:



катализатор ғовақларида ацетон, ацетальдегид ва реакция қўшимча маҳсулотларининг конденсатланишидир. Катализатор таркибига ZrO_2 нинг киритилиши қўшимча реакция маҳсулотларининг ҳосил бўлишини камайтиради ва катализатор ғовақларида уларнинг смола ҳосил қилиб конденсатланишининг олдини олади, бу эса катализатор ишлаш вақтининг ортишига олиб келади.

Винилацетат реакцияга киришмаган сирка кислотадан ва қўшимча маҳсулотлардан абсорбция усулида (сирка кислота учун абсорбент сифатида реакторнинг буғ-газ аралашмали конденсатини ишлатиш мумкин, ёки ташқи адсорбент сифатида ксилол ишлатилади) тозаланади.

Колонна флегмалар сони $R=2-3$ бўлганда ишлайди. (11) колонна дистилляти оралиқ сифим (5) орқали осон учувчан компонентлар (ацетальдегид, ацетон, метилацетат, винилацетатнинг сув билан гетеро-азеотропи) дан ажратилиб совуткич (12) га юборилади.

Бу колонна флегма сони $R=50$ бўлганда ишлайди. Бу ерда винилацетатни полимерлардан, ингибитордан, сирка кислота ва кротон альдегид фракцияларидан ажратилади. Флегма сони $R=100$ бўлганда дистиллят $\approx 80\%$ сирка кислота, $\approx 20\%$ кротон альдегид сақловчи фракцияларга ҳайдалади.

Ушбу технология 99,9% дан кам бўлмаган тозаликдаги винилацетат олиншини таъминлайди. Реакция кучли экзотермик бўлганлиги учун

реактордан иссиқликни йўқотиш зарур. Бунинг учун трубкалараро бўшлиқ (стационар қатламли катализаторли реакторда) га юқори ҳарорат қайновчи иссиқлик ташувчи, масалан, бифенилли аралашма (у ташқи совутгичда совутилади) ёки сувли конденсат берилади. Охирги вариант қулай, чунки, ташқи совутгич талаб қилинмайди, сув буғлари чиқади. Виналацетатни реакцияга киришмаган сирка кислотадан ва қўшимча маҳсулотлардан тозалашнинг 2 йўли бор:

1. Босқичли конденсациялаш, аввалига сувли конденсаторда сўнгра тузли эритмада (-15 °С дан -20°С гача).

2. Абсорбция (сирка кислота учун адсорбент сифатида реакторнинг буғ газ аралашмали конденсатини ишлатиш мумкин, ёки ташқи абсорбент сифатида ксилол ишлатилади).

Иқтисодий жиҳатдан 2-вариант қулай. Бу ҳолда абсорбентни совутишда иссиқлик узатиш коэффиценти катта (босқичли конденсацияга кўра).

Абсорбентни совутиш зарур, чунки абсорбция вақтида иссиқлик ажралиб чиқади, бу эса абсорбцияни қийинлаштириб, десорбцияни кучайтиради. Абсорбент сифатида конденсатни ишлатиш мақсадга мувофиқ чунки бунда виналацетат қўшимча маҳсулотлар билан ифлосланмайди ва сирка кислота суюлтирилмайди (кучли суюлтирилганда виналацетатни ажратиш қийинлашади).

Кўп компонентли аралашмаларни ажратиш учун масса узатиш жараёнларини бирлаштириб технологиянинг энергия ва ресурс тежамкорлигини ошириш. Кўп компонентли аралашмаларни ажратишда бир нечта масса узатиш жараёнларини битта қурилмада бирлаштириш харажатлар ва бошқариш учун капитал тежалишига олиб келади. Шу билан бирга бундай комбинация эксплуатация харажатларини камайтиради. Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда масса узатиш жараёнларини бирлаштиришда энергия харажатлари камаяди.

Битта аппаратда бир нечта ажратиш усулларининг комбинацияси экстрактив, автоэкстрактив ва азеотропик-экстрактив ректификацияни ташкил қилиш учун ишлатилади. Устуннинг юқори қисмида (дастлабки аралашманинг кириш даражасига қадар) қисман конденсация ва экстракция жараёнлари, устуннинг пастки қисмида ушбу жараёнлар билан бир қаторда ректификация жараёни содир бўлади. Шундай қилиб, бир нечта масса узатиш жараёнлари битта устунда бирлаштирилади. Шу билан бирга, ҳосил бўлиши учун энг катта энергия сарфини талаб қиладиган (унинг буғланиши ва конденсацияланиши учун) қайта тикланишни йўқ қилиш маҳсулот аралашмасини ажратиш учун энергия сарфини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Аммо бу ҳолда самарали экстрактив воситадан фойдаланиш керак.

Асосий органик ва нефт-кимё синтези саноатида асосан узлуксиз (туташ) қўшма (комбинацияланган) реакцион-ректификацион жараёнлари (ТКРРЖ) қўлланилади. ТКРРЖ кўп жиҳатдан хомашё ва энергиядан тўлиқ фойдаланишга имкон беради ва охир-оқибат чиқиндисиз ёки кам чиқиндилар

ишлаб чиқаришни яратади. Комбинацияланган реакция-ректификация жараёнлари ректификация натижасида ҳосил бўлган реакция аралашмасини қисман ёки тўлиқ ажратиш билан биргаликда ва бир вақтнинг ўзида (битта аппаратда) кимёвий реакция ўтказиладиган жараёнлар деб ҳам аталади.

ТКРРЖ схемалари чекланган стационар ҳолат учун тузилиб, уч тузилманинг реакция-дистиллаш аппарати билан бошланади ва ундан кейин ТКРРЖ схемасининг оптимал варианты танланади. Масалан, CH_3COOH (В) ва $\text{CH}_3\text{COOCH}=\text{CH}_2$ (С) компонентлари минимал қайнаш температураси билан азеотроп ҳосил қилиши ва қайнаш ҳарорати кетма-кетлиги $T_{\text{ВА}} < T_{\text{В}} < T_{\text{А}}$ га эга бўлиши шарти билан $\text{C}_2\text{H}_2 + \text{CH}_3\text{COOH} \rightarrow \text{CH}_3\text{COOCH}=\text{CH}_2$ (ВА) реакциясини амалга ошириш.

Жараённи оптималлаштириш. Иш пайтида каталитик фаоллиги пасайиши билан тавсифланган ушбу жараённи оптималлаштириш мақсади жараён параметрларининг вақт ўзгаришини ҳарорат, реакция аралашмасининг оқим тезлиги ва реактивларнинг моляр нисбатларини аниқлашдир.

Оптималлаш мезони катализатор циклининг/даромадининг ўртача/тўлиқ вақти учун танланди, мезон

$$I_1 = \frac{1}{\tau_u} \int_{\tau_0}^{\tau_p} \frac{W_0}{m+1} (a_1 x_x - a_2 m - a_3) dt - \frac{U_u}{\tau_u}$$

Бу ерда,

τ_u - циклининг умумий вақти, шу жумладан катализаторнинг ҳаддан ташқари юкланиши,

τ_p - катализаторнинг ишлаш вақти;

τ_0 - катализаторнинг ортиқча иш вақти;

W_0 - бу реакция аралашмасининг оқим тезлиги.

Танланган мезоннинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу жараённинг технологик хусусиятларини ва биринчи навбатда ректификация бирлигининг таъсирини ҳисобга олишга имкон беради. Мезон ушбу хусусиятларига (энергия сарф-харажатлари, винил ацетатнинг йўқолиши ва сирка кислотасининг қайтарилиши) конверсиянинг якуний даражасига боғлиқлигини акс эттиради. Мезонни ифодалаш коэффициентлари мавжуд тармоқларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

Иккинчи мумкин бўлган оптималлаштириш мезони сифатида ўртача цикл вақтига ўртача ҳосиласи ишлатилган:

$$I_2 = \frac{a_5}{\tau_u} \int_0^{\tau_p} \frac{W_0 X_x}{m+1} dt$$

Оптималлаштириш муаммоси бир нечта номаълум функцияларга боғлиқ равишда I_1 , I_2 функционал экстремалини топиш учун камаяди:

$$T(t); m(t); W_0(t).$$

Шу билан бирга, технологик сабабларга кўра чекловлар қўйилади:

$$T \leq 230^\circ\text{C}; W_0 \leq W_{0\text{нп}}$$

бу ерда W_0 нп - тизимнинг гидравлик қаршилиги шароитида келиб чиқадиган максимал рухсат этилган реакция аралашмасининг оқим тезлиги бўлиб, жараён кинетик модел асосида амалга оширилди (1,2). Оптималлаш усули сифатида Понтрягиннинг максимал принципи ишлатилган. Бизнинг мисолимизда дифференциал тенгламаларнинг конюгатив тизими қуйидаги шаклга эга:

$$\frac{\delta\varphi_1}{\delta\varepsilon} = -K_c \frac{df(x, T, m, p, W_0)}{dx} \cdot \left(\frac{a_1}{\tau_u} + \frac{m+1}{W_0} \varphi_1 \right)$$

$$\frac{\delta\varphi_2}{\delta t} = -f(x, T, m, p, W_0) \cdot \left(\frac{a_1}{\tau_u} + \frac{m+1}{W_0} \varphi_1 \right) + K_{p_0} e^{-\frac{E_p}{RT}} \varphi_2$$

Чегара шартлари билан:

$$\varphi_1(l_x, t) = 0, \varphi_2(l, \tau_p) = 0,$$

Текшириш T (l , t) мезонга нисбатан мақбул бўлиши учун функция максимал даражага етиши керак.

$$H = f(x, T, m, p, W_0) \cdot \left(\frac{a_1}{\tau_u} + \frac{m+1}{W_0} \right) - \varphi_1 K_{p_0} e^{-\frac{E_p}{RT}} \varphi_2$$

ҳар бир нуқтада (l , T) фазали ўзгарувчилар учун x , K_c .

M (t), W_0 (t) оптималлиги учун максимал функцияга эришиш керак

$$H_1 = \int_0^{l_x} K_c f(x, T, m, p, W_0) \cdot \left(\frac{a_1}{\tau_u} + \frac{m+1}{W_0} \right) dl - \frac{W_0 (a_2 m + a_3)}{\tau_u (m+1)}$$

ХУЛОСА

Олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинган:

1. Маҳаллий хомашёлардан ацетиленни ацетиллаш реакцияси учун термик барқарор, юқори фаоллик, селективлик ва унумдорликка эга бўлган, кокс ва смола ҳосил бўлишини камайтириши билан характерланадиган $(ZnO)_x \cdot (CdO)_y \cdot (ZrO_2)_z$ /керамзит нанокатализаторининг мақбул таркиби ишлаб чиқилган.

2. Илк бор ацетиленни сирка кислотаси билан ацетиллаш жараёни учун “Золь-гель” технологияси асосида янги юқори каталитик фаолликка эга бўлган, $(ZnO)_x \cdot (CdO)_y \cdot (ZrO_2)_z$ /керамзит нанокатализатор олинди ва унинг текстур ҳамда физик-кимёвий хоссалари аниқланган.

3. Виналацетат ҳосил бўлиш унумига турли омиллар таъсири ўрганилиб, $C_2H_2:CH_3COOH$ нинг нисбати 4:1, ҳарорат $T=453$ К, промотор $K_2Cr_2O_7$ (1,8%) оптимал шароит эканлиги аниқланган.

4. Илк бор дифференциал реактор шароитида яратилган нанокатализатор иштирокида реакциянинг кинетик қонуниятлари ва жараён боришининг

мақбул шароити аниқланди ҳамда жараённи ифодалайдиган кинетик тенгламалар танланиб, уларнинг адекватлиги аниқланган.

5. Яратилган нанокатализатор иштирокидаги жараённинг кинетикасини ўрганиш асосида реакциянинг кинетик моделлари танланди, бориш механизми аниқланди ҳамда кинетик моделлар таҳлили асосида жараён мақбуллаштирилди ва мақбул реактор тури таклиф этилган.

6. Ацетиленни каталитик ацетиллаб винилацетат олишнинг такомиллаштирилган, кам чиқиндили, энергия ва ресурс тежамкор технологияси ишлаб чиқилган.

7. Ацетилендан винилацетат синтези учун $(ZnO)_x \cdot (CdO)_y \cdot (ZrO_2)_z$ керамзит таркибли нанокатализаторлар ишлаб чиқаришнинг технологик регламентлари ишлаб чиқилди ва жараён «Навоийазот» АЖ да ишлаб чиқаришга жорий этилди. Иқтисодий самарадорлик 10 тонна винилацетат учун 96607716 сўмни ташкил этиши аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ
ТЕХНОЛОГИИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

ОМАНОВ БЕХРУЗЖОН ШУХРАТ УГЛИ

**КАТАЛИТИЧЕСКИЙ СИНТЕЗ И ТЕХНОЛОГИЯ
ВИНИЛАЦЕТАТА ИЗ АЦЕТИЛЕНА**

02.00.14–Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.4.PhD/T1527

Диссертация выполнена в Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tktiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net/uz

Научный руководитель: Файзуллаев Нормурот Ибодуллаевич
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Махсумов Абдухамид Гофурович
доктор химических наук, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: «Navoiyazot» АО

Защита диссертации состоится «17» сентября 2021 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский район, п/о Шурабазар. Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru.

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 10, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, п/о Шурабазар, Тел.: (+99895) 144-67-83, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: gup_tniixt@mail.ru).

Автореферат диссертации разослан «21» август 2021 года.
(протокол рассылки № 10 от «21» август 2021 г.).



[Signature]
А.Т. Джалилов
Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.х.н., проф., академик

[Signature]
Ш.Д. Широин
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, PhD тех.

[Signature]
Х.С. Бекназаров
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н. проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире среди кислородных соединений, производимых в нефтехимической промышленности и в основных отраслях органического синтеза, сложные виниловые эфиры занимают ведущее место. Винацетат – является самым важным из них. Винацетат считается важнейшим мономером в индустрии пластмасс, он является сырьём для производства поливинацетата, поливинилового спирта и поливинацеталей. Поливинацетат – это полимер с высокими адгезионными свойствами, который широко используется в производстве клеев, водорастворимых латексных красок и армирования тканей. Также, поливинацетат, поливиниловый спирт важны в медицине, сельском хозяйстве, при разработке синтетических каучуков, синтетических волокон, биологически активных веществ, модифицированных полимерных соединений и других материалов с уникальными свойствами.

На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется на научно-исследовательских работ, направленные на изучение активности катализаторов, полученных в различных методах для реакции каталитического ацетилирования ацетилена. Особое внимание при создании нанокатализатора для получения винацетата и его эффективного использования уделяется научному обоснованию следующих вопросов: разработка новых энерго и ресурсосберегающих методов синтеза нанокатализаторов высокой термической устойчивостью, производительностью и селективностью; определение зависимости текстурных, физико-химических показателей, характеризующими снижением коксуемости нанокатализаторов а также структуру от каталитической активностью; исследование кинетической закономерности реакции каталитического ацетилирования ацетилена катализатором периодическим режимом работы определение кинетической модели и механизма протекания реакции.

В нашей Республике ведутся целевые исследования по производству ацетиленовых соединений и полимеров на их основе. В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи, направленные на «освоение выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечение на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешних и внутренних рынках»¹. В связи с этим разработаны технологии производства фунгицидов со специальными свойствами, антикоррозионные ингибиторы металлов, антибиотики, стимуляторы, клеи, красители и т.д. Это, указывает на необходимость разработки каталитической технологии производства винацетата на основе местного сырья – ацетилена.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Данное диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «Стратегия действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 января 2018 года №ПП-3479 «О мерах по обеспечению устойчивого обеспечения секторов экономики необходимой продукцией и сырьем», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года №ПП-3983 «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан», в постановлении Президента Республики Узбекистан от 3 апреля 2019 года №ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики VII «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы.

